

“1+1 дастури” доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 27 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. 5 нафар ёшларнинг эса энди ўз устозлари бор

Ўзбекистон туманида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни “1+1 дастури” асосида тадбиркорлар ва хунармандларга бириктириш мақсадида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ташаббуси билан Ўзбекистон тумани тумани ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркаси Яйпан шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида, очиқ осмон остида ташкил этилди.



марказ томонидан мавжуд 134 та бюджет ташкилотлари ва 183 та хусусий корхоналардаги жами 429 та бўш иш ўринлари иштирокчиларга таклиф этилган.

Ярмарка натижасига кўра, 27 нафар фуқарога ишга жойлашиши учун тумандаги мавжуд корхона ва ташкилотларга йўлланмалар берилиб, доимий иш ўрни билан таъминланди. Уларнинг 21 нафарини ёшлар ташкил этади.



“Ёшлар: 1+1” дастури асосида 5 нафар туман ёшлари “Конизар мохир қўллари” хусусий корхонасига устоз шогирд йўналишида бириктирилди.

Ярмарка давомида Қудаш маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Фирдавсий Беҳишт” нодавлат таълим муассасасига 31 нафар ишсиз ёшлар ва аёллар ошпазлик ва тикувчилик йўналишида касбга тайёрлаш ўқув курсларига жалб қилинди.

Шунингдек, меҳнат ярмаркаси доирасида туман адлия бўлими, АТ “Агро банк” ва “Халқ банки” Ўзбекистон филиаллари, туман мактабгача таълими бўлими, давлат солиқ инспекцияси, давлат хизматлари маркази, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази каби ташкилот ва муассасалар томонидан иштирокчиларга соҳага оид ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.